

Миллий кутубхонада машхур голланд рассоми Рембрандт хаёти ва ижодига оид кўрғазма очилди

14 июл 2016



Ўзбекистон Миллий кутубхонасининг ижод залида очилган китоб-расми кўрғазма рассом Харменс ван Рейн Рембрандт таваллудининг 410 йиллигига бағишланди.

"Бетакрор мўйқалам соҳиби" деб номланган мазкур кўрғазмада Миллий кутубхона фондида сақланаётган рассомнинг хаёти ва ижоди билан боглиқ «Новооткрытый Рембрандт», «100 великих картин», «Выставка произведений Рембрандта и его школы», «Выставка произведений Рембрандта и его круга», «Офорты Рембрандта» каби китоблар, унинг ижодига мансуб расмлар жойлаштирилган. Ушбу китоб-расми кўрғазмага ташриф буюрган кутубхона фойдаланувчилари Рембрандтнинг инсон ҳиссиётлари, муносабатлари, руҳиятининг ифодасига айланган асарларини томоша қилиш ва унинг хаёти ва ижоди тугрисида қизикарли маълумотлар билан танишиш имкониятига эга бўдилар.



Харменс ван Рейн Рембрандт 1606 йил 15 июль кунини ва кўп болали тегирмончилар оиласида дунёга келган. Рембрандт - голланд ва жаҳон реалистик рангтасвирига кучли таъсир кўрсатган мўйқалам, расм ва гравюра устаси бўлган. Рембрантнинг ижоди воқеликни ва инсон ички дунёсини унинг барча руҳий кечинмалари билан теран фалсафий идрок этиш билан йўгрилган. Унинг новаторлик санъати образларнинг хаётийлиги билан ажралиб туради. Рембрандт инжил ва афсонавий сахналарга оид портретлар яратган. Унинг мўйқалами остида суратлар инсон ҳиссиётлари ва муносабатлари руҳий ифодали ҳикояга айланган. Рембрандт Лейден университети қошидаги лотин мактабида таҳсил олган ва у вақтлар рассомчиликка қизиқиши жуда баланд бўлган. Тасвирий санъат сабоқларини олиши учун Якуб ван Сваненбурхдан олган. Лейден университетига топширгач, ўзини бутунлай санъатга бағишлаган. Рембрандтнинг бадиий мероси ўта ранг-баранглиги, инсонга хос англаш, қайгуриш ва кечиримлилик хисларини ифодалаш, айниқса, ватанпарварлик кайфияти акс этган асарлари билан ажралиб туради. Бизгача унинг икки мингга яқин асарлари етиб келган. Булардан: «Доктор Тюлпнинг анатомия дарси», «Саския билан автопортрет», «Тунги соқчилар», «Давид ва Ионафан», «Мукаддас оила», «Беморларни даволаётган Исо» ёки «100 гулденлик қогоз», «Уч дарахт» офорти, «Ўғлим Титус мутолаада», «Бургамистр Ян Сикс», «Рассом акасининг хотини», «Қизил кийимдаги мўйсафид», «Ассур, Аман ва Эсфирь», «Давид ва Урия», «Адашган ўғилнинг қайтиши» ва бошқалар.